



Published on insonvaqonun.uz (<http://insonvaqonun.uz>)

[Бош саҳифа](#) > Лондонда Адлия вазирлиги вакиллари Буюк Британия давлат тизими билан танишмоқда

06.12.2018



Айни кунларда Адлия вазири ўринбосари М.Истамов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Лондонда хизмат сафарида бўлиб турибди. Сафардан мақсад Буюк Британия давлат тизими билан танишиш, давлат хизматлари соҳасида тажриба алмашиш ҳамда ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат.

Ушбу делегация Вазирлар маҳкамаси вакилларидан тортиб вазирлик марказий аппарати ходимлари ҳамда вилоятлар адлия бошқармалари ва энг чекка туман адлия бўлимларида фаолият юритувчи ходимлардан ташкил топган.

Сафар давомида ўзбекистонлик делегация учун Буюк Британия ташқи ишлар вазирлигида турли учрашувлар, давра суҳбатлари, тақдимотлар ҳамда тренинглар ўтказилмоқда.



Хусусан, Буюк Британия Миллий давлат бошқаруви институти (NSGI) мутахассислари делегация аъзолари учун давлат бошқаруви тизими ва аънаналари, Британия давлат хизматларининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида маълумот бердилар.

Шунингдек, Буюк Британия Адлия вазирлиги вакили томонидан тақдимот ўтказилди. Делегация вакиллари икки давлат адлия тизими ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари тўғрисида саволларига жавоб олдилар.

Куни кеча сафар дастуридаги асосий тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Ўзбекистон Адлия вазирлиги ҳамда Буюк Британия ҳукуматини рақамлаштириш давлат хизмати ўртасида давлат хизматларини рақамлаштириш соҳасида мутахассисларни ўқитиш ҳамда уларнинг малакасини оширишда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Сафар дастурида Лондон ассамблеяси ҳамда маъмурий бошқарув соҳасида нуфузли консалтинг компанияси фаолияти билан яқиндан танишув ҳам ўрин олган.

Адлия вазирлиги делегациясининг Буюк Британияга сафари давом этмоқда.

44 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [Русланбек Давлетов ОАВда айбсизлик презумпсиясига риоя этилмаётганини қоралади](#) [3]
- [“Ислохотлар даврида оммавий ахборот воситалари: ахборот трансформацияси ва касб этикаси муаммолари” мавзусида семинар-тренинг](#) [4]
- [Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувиغا рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида](#) [5]
- [Газетанинг 49 сони эътиборингиз марказида!](#) [6]
- [Сув омборларида экотуризмни ташкил этиш учун ерни қандай олса бўлади](#) [7]
- [Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида](#) [8]
- [Инвесторлар ва тадбиркорларга пуллик магистрал йўллар қуриш учун йўл ва ер участкалари берилади](#) [9]
- [Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида](#) [10]
- [Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир](#) [11]
- [Адлия вазирлиги томонидан Ҳадис илми мактаби давлат рўйхатидан ўтказилди](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/4384>

Ссылки

[1] <http://insonvaqonun.uz/print/4384>

[2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4384>

[3] <http://insonvaqonun.uz/node/4412>

[4] <http://insonvaqonun.uz/node/4411>

[5] <http://insonvaqonun.uz/node/4410>

[6] <http://insonvaqonun.uz/node/4405>

[7] <http://insonvaqonun.uz/node/4404>

[8] <http://insonvaqonun.uz/node/4403>

[9] <http://insonvaqonun.uz/node/4401>

[10] <http://insonvaqonun.uz/node/4392>

[11] <http://insonvaqonun.uz/node/4391>

[12] <http://insonvaqonun.uz/node/4390>